

ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ*
к договору (контракту) от 10.01.2022 г. № 3156271

между О'ЗВЕКТЕЛЕКОМ и Чирчик шахар Ободонлаштириш бошкармаси на общую сумму 90000,00

Глава _____ 110
Казначейский лицевой счёт _____ 100022860274197065100110001

(в сумах)

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)			Всего
	4292100			
Январь	30 000,00			30 000,00
Февраль	30 000,00			30 000,00
Март	30 000,00			30 000,00
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Всего за год	90 000,00			90 000,00

Всего 90000,00 сум

Девяносто тысяч сум 00 тийин

сумма прописью

Из вышеуказанной суммы _____ сум или _____ % *** от общей суммы договора подлежат предоплате в _____ мес. 20__ г.

_____ сум или _____ % от общей суммы договора подлежат предоплате в _____ месяце 2021 года.

(*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2 -х экземплярах;

() — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(***) — Месячный _____ % , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до _____ числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика _____

(подпись)

Т.З.Сиддиков

Ф.И.О.

М.П.

Главный бухгалтер заказчика _____

(подпись)

Л.Т.Якубов

Ф.И.О.

Принял работник казначейского подразделения _____

(подпись)

Получил работник заказчика _____

(подпись)

«__» _____ 20__ г.

«__» _____ 20__ г.

3156271- СОН
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ

Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун

Чирчиқ ш.

2022 йил “_10_” январ_

“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда – Компания) номидан 2021 йил “30” декабрдаги №27-01-14/6025 - сон ишончнома асосида фаолият юритувчи “Ўзбектелеком” АК Тошкент филиали директори Ш.С.Бакиров (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан ва SHIRCHIQ SHAHAR OVODONLASHTIRISH BOSHOQARMASI номидан Устав (Низом, рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи Т.З.Сиддиқов (кейинги ўринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргаликда - Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича қуйидагилар хақида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Оферта) шартлари билан тўлиқ танишиб чиққанлигини тасдиқлаб, ушбу Оферта шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий ҳужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул қилиши (акцептини) ҳисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (Postpaid) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча солиқлар ва йиғимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб 3 (уч) банк кунни мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови 100 (бир юз) фоиз миқдорда олдиндан тўланади. дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган миқдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси	(ККСни	ҳисобга	олган
ҳолда) <u>90 000</u> (<u>тўқсон миң</u>)			сўмни ташкил этади.
Ушбу сумма <u>90 000</u> (<u>тўқсон миң</u>) сўм		миқдоридаги Абонент	тўловини
ҳамда <u>30 000</u> (<u>ўттиз миң</u>)		миқдоридаги бир марталик тўловни	ўз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан берилган ҳисоб-фактура берилган кундан бошлаб **3 (уч) банк куни** ичида ушбу Шартномада кўрсатилган Шохсий (электрон) ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан Оператор томонидан хизматлар ҳақини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шохсий (электрон) ҳисоб рақамида хизматлар кўрсатиш учун етарли маблағ ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик ҳисоб-фактура бўйича тўлов оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва такдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаган Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вақтинча тўхтатишни, шунингдек, ҳисоб календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олишни истаса, Абонент ҳисобот ойининг 1-кунида олдин хизматларни ихтиёрий равишда блокировка қилиш учун ариза топшириши керак. Блокировка қилиш тартиби Оферта қоидалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар қўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга такдим этилган барча маблағлар фақат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан такдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштирилмаган ҳисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада такдим этилган хизматларнинг тўлик календарь ойи учун умумий миқдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент **10 (ўн) иш куни** мобайнида Оператор томонидан такдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда такдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва хизматлар тегишли тарзда кўрсатилган леб ҳисобланади. Абонентнинг эътирозлари асосланган ҳолда, Оператор кейинги календарь ойида такдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобида, ҳисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шохсий (электрон) ҳисоб рақамининг баланси салбий бўлганида **1 (бир) календарь ойдан** ошмаган муддатга Абонентнинг қафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

4. Томонлар жавобгарлиги

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

5. Низоларни ҳал қилиш тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган ҳолда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иқтисодий сулида кўриб чиқилади.

6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солиш учун ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай қоралар кўрмасликлари ёки хатти-ҳаракатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашиш қораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ходисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма электрон шаклда такдим этилган ариза эътирознома шикоят таклиф кўринишидаги мурожаати кўпи билан 30 (ўттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ўн беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

7. Яқуний қоидалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қилади.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга қиради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттирса ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга қиради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта акцептини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул қилганлиги ҳақидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва шартнома шартлари (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.


7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган ҳолда, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома қучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, 10 (ўн) календарь кун ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхала расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

<p>ОПЕРАТОР: “ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК Тошкент филиали Манзил: Ташкент вил. Нурафшон кўч. Бобур 84 уй Банк маълумотлари: х/р: 20210000404074838235; СТИР:203366731; МФО:00401; АТБ “Алокабанк” Тел: 71 90000 01</p>	<p>АБОНЕНТ: CHIRCHIQ SHAHAR OBODONLASHTIRISH BOSHQARMASI</p> <div data-bbox="837 689 1380 952" style="border: 2px solid blue; padding: 5px;"><p>Чирчиқ шаҳар "Ободонлаштириш" бошқармаси Адрес: г. Чирчиқ, ул. П.Юсупова 2Б Тел: Факс (0-370) 716-51-84; П/с № 100000860274127065100110001 ИНН 204052085 ОКЭД 39000 Отделение Казначейства г. Чирчиқ P/c 23402000300100001010 МФО 00014 ИНН 201122919 E-mail: _____ РКЦ ГУ ЦБ г. Ташкент</p></div>
<p>Оператор номидан:  /имзо/ Ш.С.Бакиров м.ў.</p>	<p>Абонент номидан:  /имзо/ м.ў.</p>



10.01.2022 йил
3156271-сонли абонент шартномасига
1-илова

Кўрсатиладиган хизматлар

I. Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар

Ўлчов бирлиги - Миллий валюта (сўм)

т/р	Хизматлар номи	ҚҚС билан нархи (миқдори)	Асос	Миқдори	15% ҚҚС билан Тўлов миқдори, (сўмда)
1	2	3	4	5	6
	I. Бирмарталик тўловлар				
	II. Ҳар ойлик абонент тўловлари				
2.1	Абонент тулови	30 000,00	прейскурант	1	30 000,00
	Жами (олдиндан тўлов)			3	90 000,00

Жами олдиндан тўлов миқдори 90 000,00 (туқсон минг) сўм, шу жумладан, ҚҚС 15 % миқдорида. Ундан 30 000,00 (уттиз минг) сўм миқдорида ҳар бир ойлик абонент тўловини ташкил этади.

ОПЕРАТОР:
"ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ" АК
ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ

АБОНЕНТ:
Ободонлаштириш бошқармаси

Оператор номидан:

Абонент номидан:



Бакиров Шавкат Сайтмуротович

ИМЗО/
М.У.



Т.З.Сиддиқов


ИМЗО/
М.У.

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

Hujjat raqami: EV28467753

1. Loyihaning turi. Shartnoma.
2. Loyihaning nomi. Chirchiq shahar Obodonlashtirish boshqarmasi va "O'zbektelikom" Aksionerlik kompaniyasi Toshkent filiali o'rtasida telikommunikatsiya xizmatlari ko'rsatish to'g'risida.
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot.
Chirchiq shahar Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan ishlab chiqilgan hamda Chirchiq shahar Yuridik xizmat ko'rsatish markaziga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 10.01.2022 yilda e-huquqshunos dasturi orqali yuborilgan.
Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga **muvofiq.**

Markaz bosh yuriskonsulti



A. A. G'aybullayev